БАЪЗИ ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

У.Халимов

Самарқанд вилояти ИИБ бўлим бошлиғи

E-mail: u.xalimov@mail.ru

Давлатнинг жиноят ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш учун бошқа мамлакатларнинг жиноят қонунчилигини, унинг хусусиятлари ва ижобий томонларини ўрганиш муҳимдир. Хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш муаммонинг моҳиятини янада аниқроқ тушуниш, жиноятлар ва бошқа қилмишларнинг жазога лойиқлигини тавсифлаш, миллий қонунларимизни такомиллаштириш имконини беради.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган қонун ҳужжатларини тўғри тушуниш учун хорижий мамлакатларда йўл ҳаракати ва унинг хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини билиш талаб этилади.

Транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тартибга солишга бағишланган Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунлар Австрия, Болгария, Буюк Британия, Дания, Украина, Эстонияда амал қилади. Испанияда шунга ўхшаш ҳужжат “Механик транспорт воситаларининг ҳаракати ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги асосий қонун” деб аталади. Болгария, Дания, Испания, Украина ва Финляндияда йўл ҳаракати тўғрисидаги қонун ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бирдан-бир ҳужжат ҳисобланади. Норвегияда йўлларда хавфсизликни таъминлаш масалалари “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун билан бир қаторда, 1936 йил 16 июлда қабул қилинган “Муайян касблар эгаларининг ўзларини тийишлари шарт бўлган фаолиятлар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Унда муайян касб эгалари, шу жумладан тижорат транспорт воситаларининг ҳайдовчилари учун йўлга чиқишдан олдин камида 8 соатгача бўлган муддат мобайнида алкоголь, бошқа маст қилувчи ичимликлар ёки гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишдан ўзини тийиши талаби белгиланган.

Германияда “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонундан ташқари, “Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисида”ги қонун, Йўл ҳаракатида иштирок этишга рухсат бериш тўғрисидаги қоидалар кодекси (у ҳайдовчига ва транспорт воситаларига тааллуқли бўлган масалаларни тартибга солади) амал қилади. Йўл қоидаларини бузганлик учун жарималар тизими кенг кўламли “Жарималар каталоги”га бирлаштирилган. Унда йўлда ҳаракатланиш чоғида йўл қўйилиши мумкин бўлган кўп сонли қоидабузарликлар анча муфассал тартибга солинган.

Швецияда қуйидаги масалаларни тартибга солувчи алоҳида қонунлар амал қилади: Йўл ҳаракати қоидаларининг жиддий бузилиши (транспорт воситаларини маст ҳолда ёки ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариш); ҳайдовчиларни тайёрлаш ва ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиш тартиби; автомобиль ҳайдовчиларини тайёрловчи мактабларга қўйиладиган асосий талаблар; автомобилни қўйиш қоидаларини бузганлик учун жарималар; транспорт воситаларини мажбурий эвакуация қилиш; хавфли юкларни ташиш ва ҳ.к.

Эстонияда ҳар бир турдаги транспорт (жамоат транспорти, юк транспорти ва ҳ.к.)га нисбатан алоҳида қонунлар, шунингдек йўллар тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Бундан ташқари, қуйидаги масалалар ҳам алоҳида қонунлар билан тартибга солинади: маъмурий ҳуқуқ қоидаларини бузиш; транспортда суғурта; йўлларнинг эгалари ёки бошқарувчилари ва йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўлларни сақлаш, улардан

фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун жавобгарлиги; транспорт воситаларини қўйиш жойлари[1].

Айрим мамлакатлар фақат йўл ҳаракати қоидаларини қабул қилиш билан чекланган. Одатда, бу қоидалар турли ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Йўл белгиларига оид масалалар, Механик транспорт воситалари тўғрисидаги қонуннинг қўлланилиши (Австрия), автомобилларни рўйхатга олиш қоидалари ва бу иш билан боғлиқ ҳисоб юритиш ҳужжатлари, техник кўрикдан ўтказиш, светофор орқали тартибга солиш, йўл қурилиши, йўл белгилари (Болгария), механик транспорт воситаларини рўйхатга олиш, уларни жиҳозлаш, ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш, йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги қоидалар (Дания) алоҳида тартибга солинади.

Шу ўринда Франциянинг йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий тизими алоҳида диққатга сазовордир. Бу мамлакатда Йўл ҳаракати қоидалари (5 жилддан иборат), Автомобиль йўлларини сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш қоидалари, йўл белгилари ва сигналлари тўғрисида идоравий йўриқнома ва Жиноят кодекси асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Франция Йўл ҳаракати қоидаларининг қонун чиқарувчи ва тартибга солувчи қисмларга ажратилган беш жилдида йўл ҳаракати билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солувчи қоидалар мажмуи мустаҳкамланган.

Чет мамлакатлар қонунчилигида асосий урғу йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларнинг моддий жавобгарлигига берилади. Бунда йирик суммаларга жарималар билан бир қаторда, автотранспорт воситаларини мусодара қилиш, ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этиш каби чоралар ҳам қўлланилади.

Сўнгги йилларда айрим мамлакатлар қонунчилигида йўл ҳаракати қоидаларини бузишнинг янги турлари пайдо бўлди. Улар, энг аввало, транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон орқали сўзлашувлар билан боғлиқ. Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида транспорт воситасини бошқариш пайтида "hands-free" гарнитурисиз мобил телефон орқали сўзлашиш тақиқланган. АҚШ ва Канаданинг айрим штатлари, Қувайт, Европада Швеция ҳозирча бундан мустасно. Австралия, Швейцария каби мамлакатларда транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон орқали сўзлашиш бутунлай тақиқланган. Австралиянинг айрим штатларида, Бельгия, Кения, Малайзия ва Сингапур каби мамлакатларда бу ҳуқуқбузарлик учун йирик суммадаги жарималар билан бир қаторда қамоқ жазоси ҳам назарда тутилган. Испанияда транспорт воситасини бошқариш пайтида мобил телефон алоқаси орқали сўзлашиш учун "hands-free" гарнитуридан фойдаланиш ҳам тақиқланган. Фақат овоз чиқарадиган қурилмалардан фойдаланишга йўл қўйилади. Тақиқлар автомобилни бошқариш пайтида SMS хабарлар юборишга ҳам татбиқ этилади. Мазкур ҳаракатлар "hands-free" гарнитурисиз уяли телефон орқали сўзлашишга тенглаштирилади. Болгарияда муниципал транспортда ҳайдовчилар билан бир қаторда, йўловчилар ҳам мобил телефон орқали сўзлашишлари тақиқланган. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, Германия ва Чехияда ишлаб чиқарилган автобуслар ва трамвайлар электрон қурилмасининг иши уяли телефонлардан тарқалувчи радиотўлқинлар таъсирида издан чиқиши, бу эса йўл-транспорт ҳодисасига олиб келиши мумкин.

АҚШ жиноят қонунчилигини ўрганиш бу ерда йўл ҳаракати соҳасида қуйидаги жиноятлар айниқса кўп учрашини кўрсатади: транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш; транспорт воситасини ғайриқонуний эгаллаб олиш; автомобиль жиноятни содир этиш предмети ёки воситаси сифатида амал қилувчи бошқа автотранспорт жиноятлари[2].

Транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш жиноят сифатида бир қатор хусусиятларга эга. *Биринчидан,* АҚШда транспорт воситасини маст ҳолда бошқаришни ҳуқуқий баҳолаш истеъмол қилинган спиртли ичимлик миқдори нуқтаи назаридан ўзига хосдир. Бир томондан, Қўшма Штатларнинг йўлларида спиртли ичимликлар ичиш тақиқланмайди: энг муҳими, ҳайдовчи ўз организмини бошқара олса ва истеъмол қилинган ичимлик

[1] Обеспечение безопасности дорожного движения в России / Аналитический вестник Совета Федерации ФС РФ. 2006. №15 (303).
[2] Никифоров Б.М., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. – М., 1990. – С. 18–25.

миқдори интоксикациянинг йўл қўйилган меъёридан ортиқ бўлмаса, бас. Масалан, айрим штатларда мазкур меъёр ҳар мм га тахминан 1,0 мг ни ташкил қилади (яъни бир неча бутилка пиво ёки 100 г дан сал кўпроқ арақ ичиш мумкин). Бошқа томондан, транспорт воситасини ўта маст ҳолда бошқарган ҳайдовчилар қаттиқ жазога тортиладилар. *Иккинчидан,* транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш ҳар доим айрим штатлар даражасида ҳам, федерал даражада ҳам жиноят деб ҳисобланади.

Буюк Британияда транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик учун беш минг фунт стерлинг (7668,5 АҚШ доллари)гача жарима назарда тутилган. Амалда судлар одатда 250–450 фунт стерлинг миқдорида жарима тайинлаш билан кифояланадилар. Бундан ташқари, мазкур жиноят учун 12 ой ва ундан ортиқ муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш, биринчи ҳуқуқбузарлик учун 6 ойгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Жазо ҳайдовчининг қонида аниқланган алкоголь миқдорига қараб кучайиб боради. Айни шу жиноят кейинги 10 йил мобайнида такроран содир этилган тақдирда ҳайдовчи автомобилни бошқариш ҳуқуқидан уч йилга маҳрум этилади. Йўл-транспорт ҳодисасида жабрланувчининг баданига шикаст етказиш ёки унинг ўлимига сабаб бўлиш шахсга қарши жиноят деб эътироф этилади[3].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги роман-герман ҳуқуқий оиласига киради. Шу маънода Германия қонунчилиги диққатга сазовордир. Ҳозирги вақтда Германияда 1871 йил 15 майда қабул қилинган Жиноят кодекси амал қилади. Ушбу ҳужжатда таҳлил қилинаётган жиноят таркиблари “Жамоат учун хавфли жиноий қилмишлар” деб номланган 28-бўлимда жойлаштирилган. “Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш” деб номланган норма (ГФР ЖК 315с-параграфи)да айнан қайси ҳаракатлар йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш деб ҳисобланиши тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган. ГФР ЖК 316-параграфида транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бу ерда йўл ҳаракати хавфсизлигига тажовуз учун жавобгарлик масалаларини тартибга солишга бағишланган жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг яна бир хусусияти шундаки, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигидан фарқли равишда, ГФР ЖКда қонун чиқарувчи транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга эътиборни қаратмаган. ГФР жиноят қонунчилигида йўл ҳаракати соҳасида аҳоли хавфсизлигига тажовуз қилганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. У ГФР ЖКнинг икки бўлими – еттинчи ва йигирма саккизинчи бўлимларида белгиланган[4].

Франция ЖКда транспорт жиноятлари учун жавобгарлик тўғрисидаги алоҳида норма мавжуд эмас. Кўпгина мутахассислар қайд этишларича, мазкур ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бу ерда махсус қонунлар ёрдамида амалга оширилади[5]. Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, йўл ҳаракати қоидалари дунёда илк бор 1893 йил 16 августда Францияда қабул қилинган. Бунга Париж шаҳрининг полиция префекти кўча ҳаракати тартибини ўрнатишга қарор қилгани сабаб бўлган. Ўша пайт мамлакатда мавжуд автомбиллар сони 600 тага етган ва уларнинг деярли барчаси Франция пойтахтида бўлган. Бу ерда механик экипажларнинг шаҳар бўйлаб қатнови қоидаларининг рўйхати белгиланган. Йўлакларда, хиёбонларда ва фақат пиёдалар ҳаракати учун мўлжалланган жойларда юриш ва тўхташ тақиқланган. Шаҳар бўйлаб соатига 12 км.дан ортиқ тезликда, шаҳардан ташқарида эса – соатига 20 км.дан ортиқ тезликда ҳаракатланиш ман этилган.

Демак, хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунлари таҳлили шуни кўрсатадики, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишда аксарият хорижий мамлакатларда мамлакатимиз жиноят қонунчилигидан фарқли равишда инсоннинг соғлиғига шикаст етказиш меъзони билан бир қаторда мулкий зарар етказиш меъзони ҳам инобатга олинган. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ҳам таҳлил қилинаётган жиноят учун жавобгарлик масаласини кўриб чиқишда шахснинг мулкига

[3] Уголовное право зарубежных стран. – М.: Зерцало, 1998. – С. 45-46.
[4] Уголовный кодес ФРГ. – М., 2001. – С. 177–178.
[5] Коробеев А.И. Транспортные преступления. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. – С. 34.

етказилган зиённи ҳам жиноят-ҳуқуқий муҳофаза доирасига киритиш мақсадга мувофиқ. Жиноят қонунчилигига шу каби тузатишларнинг киритилиши, ўйлаймизки, жиноят оқибатларининг кафолатли бартараф этилишига хизмат қилган бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Обеспечение безопасности дорожного движения в России / Аналитический вестник Совета Федерации ФС РФ. 2006. №15 (303).
2. Никифоров Б.М., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. – М., 1990. – С. 18–25.
3. Уголовное право зарубежных стран. – М.: Зерцало, 1998. – С. 45-46.
4. Уголовный кодес ФРГ. – М., 2001. – С. 177–178.
5. Коробеев А.И. Транспортные преступления. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. – С. 34.
6. Alexander, Larry, “In Opposition to Negligent Criminal Liability”, in Larry Alexander, Kimberly Kessler Ferzan, and Stephen J.Morse, *A Culpability-Based Theory of Criminal Law*, forthcoming, Cambridge University Press, 2008, chapter 3, at pp 67.
7. Benitez, Lucas, “The Legal Liabilities Resulting from a Traffic Accident: A Comparison betwen Spain and Japan”, 2002, 33 p.
8. Michael J. Gorr and Sterling Harwood, eds., Controversies in criminal law : philosophical essays on responsibility and procedure, Boulder: Westview Press, 1992, xii, 273 p., at – P.32.